

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ВЕТЕРИНАРИЯ, ЗООТЕХНИЯ ВА ҚОРАКЎЛЧИЛИК ФАКУЛТЕТИ

**Ҳайвонлар анотомияси, физиологияси, жаррохлик ва фармакология
кафедраси**

РЕФЕРАТ

**Мавзу: МНС фаолиятини қўзғатувчи янги замонавий дори моддалари
фармакологияси.**

Бажарди: 305-гуруҳ талабаси Умаров Абдор

Текширди: Холиқов А

Самарқанд-2014

Мавзу: МНС фаолиятини кўзгатувчи янги замонавий дори моддалари фармакологияси.

Бу гуруҳга химиявий тузилиши, олиниси, фармакалогик таъсири ва ишлатилиши жихатдан ҳар хил дори препаратлари ҳаммаси учун хос булган умумий бир фармакалогик хусусият бор – улар марказий асаб тизимининг ҳар хил марказларига таъсир этиш хоссасига эга. Бундай таъсир марказий асаб тизими фаолиятини рағбатлантиради, кузгатади, сусайган марказларни активлаштиради – стимуллаштиради ва функцияни тиклайди. Бундан ташқари, бу стимуляторлар марказий асаб тизими фаолиятини тез тиклаш қобилиятига эга, ҳатто ҳаёти суниб бораётган организмни қайта тиклайди. Шунинг учун бу дорилар аналепциглар деб аталади.

Лекин бу моддалар фақат кичик ва урта дозаларда асаб тизими фаолиятини кузгатади, катта дозаларда эса тасқари таъсир этади, яъни сусайтиради – тормозлайди.

Фармакологияда ушбу дориларнинг қуйидаги гуруҳлари қулланилади:

Антидепрессантлар

Кофеин гуруҳи

Камфора гуруҳи

Каразол ва кардиамин

Стрихнин гуруҳи

Нафас маркази стимуляторлари

Ҳар хил стимуляторлар

Таъсирига қараб бу дорилар узиға хос ажралиб туради. Масалан: кофеин нисбатан бош мия пустлоги марказларини, камфора гуруҳи ва каразол – узунчок мия марказларини, стрихнин гуруҳи эса орқа мия марказларини у ёки бу даражада активлаштиради.

Марказий асаб тизимини стимуллаб, организмда моддалар алмашинувини кучайтиради, кон айланишини, нафас ва юрак ишини яхшилади, сийдик ажратиш ва организмдан зарарли моддаларни чиқариш функциясини кучайтиради. Шунинг учун бу дорилар ветеринария амалиётида даволовчи ва профилактик восита сифатида патогенетик ва этиотроп таъсир сифатида кенг кулланилади.

Бу дорилар фармакалогиясини ветеринарияда урганишда рус олимлари катта хисса қўшганлар: Закусов, Раевский, Вершинин, Евдакимов ва бошқалар.

Антидепрессантлар.

Антидепрессантлар деб тушкунлик ҳолатини сусайтирадиган ва олдини оладиган дори моддаларга айтилади. Anti- қарши, depressus- тушкунлик. Хайвонларда депрессия ҳолати уларнинг ҳаракат сусайиши, иштаханнинг йуклиги, ушим ва махсулдорлигининг пасайиши, химоя реакциясининг сусайиши, янги озуқа типи ва саклаш шароитига тез урганмаслик, ошқозон ичак тизими функцияси бузилиши билан ифодаланади. Таъсири организмда норадреналин, дефалин, протанин каби нейромедияторлар таъсирини кучайтириб, МНСдаги медиация процессини яхшилади ва қузгатувчи таъсир қилади.

Чорвачиликдаги антидепрессантлар хайвонларни янги яшаш шароитига адаптация қилишда, янги озуқа типига утқизишда, хайвонларга қарайдиган янги хизматчиларни алмаштиришда кулланилади.

Асаб тизимига таъсири буйича икки гуруҳга бўлинади:

1. Моноаминоксидаза ферменти активлигини сусайтирадиганлар – ниламид трансамин.
2. Моноаминлар таъсирини оширадиган моддалар: имизин, ипрозид, амитриптилин.

Асосан хайвон озуқаларига қушиб берилади.

Кофеин гурухи.

Кофеин- *coffeinum*. Алколоид, чой дарахти баргида ва кофе дарахти мевасида 2-3 % саклайди. Яна сунъий йул билан олинади. 1819- йил Рунге томонидан кашф килинган.

Таъсири. Кофеин мураккаб таъсир механизмига эга, унинг таъсир доираси кенг, куп орган ва тизимларга хилма хил таъсир курсатади:

Бош мия пустлоги марказларига кучли таъсир курсатиб, уни психосензор ва психомотор фаолиятини активлаштиради, мия хужайраларига тугридан- тугри таъсир этиб, мия пустлогига кузгатиш жараёнини кучайтиради. Катта дозаларда мия пустлоги кучли кузгалиб, безовталаниш ва уйкусизликка олиб келади. Бу таъсирдан амалиётда кечаси дарс тайёрлашда, кечаси машина хайдаш ёки кечаси ишлаганда фойдаланса булади.

Кофеин узунчок миядаги нафас ва томирларни харакатлантирувчи марказларни кузгатиб, унинг функционал фаолиятини оширади. Жумладан нафас олишни чуқурлаштиради, упкада газ алмашинувини яхшилаиди. Кофеиннинг бу таъсири жисмоний чарчаш холатида, нафас олиш сусайганда аник намоён булади. Масалан одам ишлаганда, спорт билан шугилланганда чарчайсиз, шунда чой ёрдам беради, кофеин стимулловчи таъсирини намоён килади.

Юрак, кон – томир тизими кофеин таъсирида турли хил узгаришга учрайди. Кофеин юракка бевосита таъсир этиб, юрак кискаришлар сонини оширади, иш ритми яхшиланади. Кон томирларга икки хил таъсир килади. Жумладан, ички роганлар ва тери томирларини кискартирса; скелет мускуллари, юрак, буйрак, упка ва капилляр томирларни кенгайтиради.

Кофеин таъсирида ошкозон ва ичаклар моторикаси кучаяди, уларнинг мускул кавати спазмини бушатади. Шунинг учун ошкозон ва ичак касалликларида фойдаси катта.

сийдик ажралишини кучайтиради. Буйрак кон томирлари кенгайиши хисобига бирламчи сийдик филтранияси кучаяди, организмдан хлоридлар, азотли махсулотлар ва захарли моддалар ажралиши тезлашади. Масалан, алкогольни чикишини тезлаштиради.

кофеин организмнинг иммун активлигини оширади.

Кулланиши. Даволовчи ва профилактик восита сифатида бош мия пустлоги ва томирларни харакатлантирувчи марказларни стимуллашда; юрак фаолиятини яхшилашда, иситмаларда, чарчокда умумий холатни тиклаш учун, организм резистентлиги сусайиши ва нерв тизими иш фаолиятининг сусайиши билан кечадиган барча юкумли ва юкумсиз касалликларда якка йки бошка дорилар билан; мия, юрак, буйрак томирлари спазмида томирларни кенгайтиришда; наркотик ва бошка захарлар билан захарланишда юрак; буйрак шишларида сийдик хайдовчи сифатида; ичак спазмларида; тугрукдан кейинги фалажларда.

Доза тери остига: корамол, от- 2,0- 5,0; чучка, куй- 0,5- 2,0; итда-к1- v3

Камфора гурухи

Камфора хам камфора дарахтидан ва синтетик йул билан олинади. Аччик таъмли ва узига хос хидли, спиртда ва мойда эрийди.

Таъсири.

1. Махаллий таъсири. Терига ва шиллик пардаларга суртилганда уларни китиклайди, гипиремия чакиради, терида совуклик сезилади, моддалар алмашинуви тезлашиб, яллигланиш махсулотларини сурилишини кучайтиради ва яллигланишга карши ва антимикроб таъсир этади.
2. Тери оркали юборилганда тез сурилиб, рефлектор равишда марказий асаб тизимини кузатади, айникса узунчок миядаги марказларни. Жумладан, нафас олиш кучаяди, упкада газ алмашинуви, юрак ва кон- томир фаолияти яхшиланади, кон босими кутарилади,

юррак, мия, буйрак кон томирлари кенгайди. Иситмаларда периферик томирларни кенгайтириб, антисептик таъсири туфайли хароратни туширади.

Куллаш. Умумий кузатувчи восита сифатида

-нафас олиш сусайганда;

-кон айланиши бузилишларида;

-узок давомли интоксикация ва инфекциялар туфайли умумий кучсизланишда

-кон босими кучли пасайганда ва юрак фаолияти сусайишларида, иситмаларда;

-маз шаклида шикастланишларда, мускуллар, бугин ва елин яллигланишларида

хайвонларга суйишдан олдин куллаш таиккланади: хиди гуштда сакланади.

Ёш хайвонларга куллаш тавсия этилмайди: сезувчанлик юкори.

Доза тери остига: корамол 20,0-40,0; от- 20,-40,0 чучка- 4-6,0, куй- 3-4,0; итда- 1,0- 2,0.

Коразол ва кордиамин

Коразол ок порошок, сувда ва спиртда яхши эрийди, Б руйхатда 10% эритма, таблетка холда ичилади.

Таъсири. Унинг махаллий таъсири йук, организмда тез бузилади, 3-4 соат таъсир курсатади. Кичик дозаларда марказий асаб тизими хусусан узунчок мияни кузгатади. Натижада нафас тезлашади, кон босими кутарилади (пасайган булса), юрак иши яхшиланиди, кундаланг таргин мускуллар тонуси ошади. Катта дозаларда кучли; асаб тизимини жуда кучли кузгатади, калтираш кузатилади.

Куллаш.

-касалликлар натижасида юрак- кон томири сусайишлари;

-юррак уткир етишмовчилигида;
-шок ва кон тизими пасайганда;
-наркотик ва уйку чакирувчи дори билан захарланишда
хайвонларга огиз оркали, тери остига ва венага юборилади.

Доза тери остига: отларга- 0,3- 0,2; корамол- 0,2- 1,5; чучка- 0,005-0,03; ит- 0,05-0,1.

Кордиамин рангсиз суюклик, узига хос хидли, 25% ли эритма. Таъсири каразол каби, лекин кучсиз.

Куллаш.

-уткир ва сурункали кон айланиши бузилишлари;
-юррак уткир етишмовчилигида;
-наркотик ва уйку чакирувчи дори билан захарланишда;
-ичак интоксикацияларида.

Доза тери остига: от, корамол 10-20 мл; чучка, куй 2-4 мл; ит 0,5- 1,5 мл.

Стрихнин гурухи

Алколоид; Африка ва Жанубий Америкада учрайдиган кучала дарахтидан олинади, А пуйхатда, ок кристалл порошок, аччик таъмли, сувда кийин эрийди.

Таъсири. Кичик дозаларда кучли самарали стимулятор, марказий асаб тизимларини кузгатади, айникса орка мия марказларини. Сизги органлари (эшитиш, куриш, хид билиш) фаолиятини кучайтиради, юрак кон-томир ишини яхшилайти, моддаалмашинувини тезлаштиради. Кон босимини кутаради, скелет мускуллари тонусини оширади, овкат хазм килиш органлари ишини яхшилайти, сийдик ажралишини кучайтиради. Катта дозалари кучли захар хисобланади.

Куллаш.

-орка мия билан боглик шол ва фалажланишларда;

-сезги роганлари фаолияти сусайганда;

-нафас, юрак, кон-томир, хазм тизими фаолиятини яхшилашда;

-антидот сифатида наркотик ва уйку чакирувчи дорилар билан захарланганда.

Доза тери остига: от- 0,02- 0,1; корамол- 0,03- 0,8; чучка, куй- 0,002- 0,004; ит-0,0005- 0,001.

Нафас маркази стимуляторлари

Хамма марказий асаб тизимини кузгатувчи дорилар нафас олишни активлаштиради, лекин цитизин ва лобелин кучли таъсирга эга.

1. Цитизин- *cytisinum*. Ок порошок, сув ва спиртда яхши эрийди, амалиётда 0,15% сувли эритмаси кулланилади.

Таъсири. Венага юборилгач нафас олишни тезлаштиради, кон босимини кучли, самарали кутаради.

Қўллаш. Асфиксияда, нафас олиш сусайганда, ичак ва коллапс холатда кон босимини тиклаш мақсадида.

Доза венага: от 5-10 мл, ит 1-2 мл.

2. Лобелин- ок порошок, аччик таъмли. Амалиётда IX сувли эритмаси кулланади. Лобелин нафас марказига кучли таъсир курсатади, кон босимини кутаради. У огир юкумли касалликларда нафас олиш сусайганда, асфиксияда, наркотиклар билан захарланганда венага юборилади.

Доза: от, корамол- 0,003- 0,1; ит 0,003- 0,005.

Хар хил қўзғатувчилар

Бу моддалар хар хил усимлик ва хайвонот дунёсидан олинади. Керакли натижа олиш учун бу моддалар узок муддат қўлланилади, лекин организмда тобелик чакирмайди.

1. Женьшень- ўсимлик номи хитой тилида жень- одам, шень- илдиз, яъни инсонга ухшаган илдиз маъносини беради. Бу куп йиллик усимлик булиб, Хитой, Шимолий Корея, Россиянинг узок шарк вилоятларида усади. Унинг илдизи фармакалогик ахамиятга эга. Илдизида бир неча таъсир этувчи моддалар: эфир мойлари, пиктин, гликозитлар, панацен, панакцин, гензинин ва радий элементи саклайди. Бу моддалар МНСни стимулловчи хусусиятга эга.

Спиртли настойка холида кулланилса, сусайган нерв системаси ва мускуллар фаолиятини тиклайди, модда алмашинувини тезлаштиради, организмни тетиклаштиради, иштахани очади.

Женьшень умумий кучсизланишларда, жигар, буйрак, юрак- томир бузилишларида кулланилади.

2. Лимонник мевалари - Корея, Монголия, Узок Шаркда усади, фармакалогик ахамиятга эга.

Мевасида органик кислоталар, эфир мойлари, темир тузлари, марганец, кремний, фосфор ва кальций саклайди. МНСни кузгатади, кон айланишини активлаштиради, модда алмашинувини тезлаштиради, конда канд микдорини оширади, организмни тетиклаштиради. Стимулловчи восита сифатида умумий кучсизланишларда кулланади.

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Мозгов И.Е. «Фармакология» - 1985 йил.
 2. Рабинович М.И. «Практикум по вет. фармакологии и рецептуре» - 1988й
 3. Азизова «Фармакология» - 1994 йил. Тошкент
- Махсудов М.Н., Маликов М.М. «Фармакология», 1997й. Тошкент